

Jizzax haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy gazeta



Gazeta 1974-yil 1-maydan chiqq boshlagan



WWW.JIZZAXNEWS.UZ



E-mail:jizzax.haqiqati@yandex.com



2023-YIL 29-NOYABR, CHORSHANBA. № 97 (6454)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган ишларнинг натижадорлигини ошириш, муҳим ижтимоий масалаларга оид очиқ маълумотлар кўламини янада кенгайтириш, улардан тўсиқларсиз фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши (кейинги ўринларда — Миллий кенгаш), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик), Бош прокуратуранинг коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олиш бўйича қўйидаги тизимни жорий этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин:

ҳар чоракда Агентлик давлат органлари ва ташкилотлари кесимида содир этилган коррупцияга оид жиноятларни таҳлил қилади ва ушбу жиноятлар кўрсаткичи ошган давлат органлари ва ташкилотларига кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар белгилаш учун Агентлик ходимлари иштирокида қўриб чиқишлиши мажбурий бўлган тақдирда киритиб боради;

ҳар ярим йилда жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларга имкон берган омилларни бартараф этиш бўйича қўрилаётган чоралар Миллий кенгаш йиғилишларида тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлари иштирокида танқидий муҳокама қилиб борилади.

2. Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2023 йил 1 декабрдан бошлаб Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати қўйидаги маълумотлар билан тўлдирилсин:

худудлар кесимида "Ҳаж" тадбирига бориш учун навбатда турган зиёратчиларнинг ягона онлайн навбати тўғрисидаги (зиёратга боруви шахсининг аризаси навбатга қўйилган сана ва рўйхатдаги тартиб рақами) маълумотлар; болаларни давлат мактаб-гача таълим ташкилотларига қабул қилиш учун берилган аризалар навбати (рўйхати) тўғрисидаги (ариза навбатга қўйилган сана, рўйхатдаги тартиб рақами, ёш гуруҳи ҳамда ташкилот рақами) маълумотлар;

давлат органлари ва ташкилотларида давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомилларини белгилловчи харид комиссиясининг ички идоравий тартиби (низом, регламент, йўриқнома ёки бошқа ички идоравий ҳужжат);

марказий, худудий ва тизим ташкилотларида бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари, номзодларга қўйладиган талаблар ва тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар;

(Давоми 2-саҳифада)

Ташаббус ва ижро

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўтган йили Москва шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида II Минтақаларо ҳамкорлик форумида видеомурожаат билан чиқиб, Россиянинг "Национальная Резервная Корпорация"си билан ҳамкорликда Жиззах вилоятида бунёд этилаётган агрологистика мажмуаси мегалойиҳасига алоҳида эътибор қаратган эди.



ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ АГРОЛОГИСТИКА МАЖМУАСИ

Жиззах вилоятида фойдаланишга топширилди



Юртбошимизнинг ушбу илғор ташаббуси қисқа фурсатларда муваффақиятли амалга оширилди. 2023 йилнинг 28 ноябрь куни Шароф Рашидов туманида мазкур "BMB-NRC Agrologistics" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасининг биринчи босқичи тантанали равишда ишга туширилди. Унда икки давлат ҳукуматининг расмий вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ҳўжалиги, Инвестициялар, саноат ва савдо, Иқтисодиёт ва молия вазирликлари, ССП, BMB HOLDING компанияси раҳбарияти, "O'zsanotqurilishbank", "Узкарантин" масбуллари, Давлат божхона қўмитаси ходимлари, шунингдек, россиялик ҳамкорлар делегацияси, "ВЗБ.РФ" раҳбарлари, "Россельхознадзор" агентлиги вакиллари, Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси дипломатлари иштирок этишди.

Шунингдек, мамлакатимизнинг барча худудларидан ташриф бу-

юрган экспортёр агрокластерлар, фермер ҳўжаликлари раҳбарлари, хорижий импортёр компания экспортлари, ОАВ ва жамоатчилик вакиллари ҳам тадбирда қатнашдилар.

Агрологистика мажмуасининг очилиш маросимида даставвал вилоят ҳокими Эргаш Салиев сўзга чиқди. Сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Жамшид Ходжаев ва РФ Кишлоқ ҳўжалиги вазири ўринбосари Сергей Левин онлайн алоқага чиқиб, мажмуанинг аҳамияти ҳақида сўз юритдилар. Шунингдек, вилоятимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси ҳукумати раиси ўринбосари Алексей Оверчук, РФ Давлат думаси қўмита раиси ўринбосари Сергей Лисовский, Ўзбекистон тарафдан кишлоқ ҳўжалиги вазири Иброҳим Абдураҳмонов, "БМВ холдинг" қузатув кенгаши раиси Бекзод Маматкуловлар табрик сўзларини

йўллади. Маросимда РФнинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Олег Мальгинов иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар бугунги кунда икки мамлакат ўртасида ишонч ва мустақам дўстона алоқаларга асосланган ҳамкорлик йўлга қўйилгани, ўзаро манфаатли мулоқотлар давом этаётгани ва турли соҳалардаги истиқболли лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётганини қайд этиб ўтишди. Кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг Россия ва бошқа мамлакатларга тезкор ҳамда тўсиқсиз экспорт қилишга мўлжалланган мазкур корхона Ўзбекистон-Россия ўртасидаги самарали ҳамкорлиқнинг ёрқин намунаси экани таъкидланди.

Агрологистика мажмуасининг бошланаяк фаолияти, унинг қувватлари, экспорт салоҳияти ва жўғрофияси, хизмат турлари, шунингдек, яратилган бошқа им-

коният ва шароитлари ҳақида сўз кетганда, шун таъкидлаш жоизки, "BMB-NRC Agrologistics" ўзига хос ноёб мажмуада мамлакатимиз минтақаларида етиштирилган турли кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини саралаш, қайта ишлаш, қадоқлаш, сақлаш, божхона, банк ва санитар ҳўжатларини "Ягона дарча" тамойили асосида расмийлаштириш, транспорт, логистика хизматларини кўрсатиш каби амалиётлар жорий этилган. Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, экспортёрларимиз шу ернинг ўзида доимий равишда фаолият кўрсатадиган "Россельхознадзор"нинг аккредитацияланган лабораторияси сертификатлари билан Россия ва бошқа мамлакатларга тўғридан-тўғри экспортни йўлга қўйишлари мумкин.

Бундан ташқари, дастур давомида қўшма корхонанинг яқин вақт ичида бошланиши режалаштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини сублимация тарзда қуритиш ва шок усулида музлатишни назарда тутувчи умумий қиймати 225,1 млрд. сўм бўлган навбатдаги мажмуа қурилиши пойдеворида муқаддима сифатида тамал тошини қўйиш маросими ҳам ўтказилди.

Тадбир доирасида кишлоқ ҳўжалиги йўналишидаги 150 дан ортиқ йирик корхона вакиллари томонидан худудларнинг экспорт салоҳиятини намоиш этувчи қўргазма ташкил этилди. Экспозицияларни кўздан кечириш чоғида экспортёрлар ва импортёрлар ўртасида амалий мулоқотлар бўлиб ўтди. "B2B" форматда шерикчилик алоқаларини ўрнатиш бўйича қатор келишувларга эришилди.

"BMB-NRC Agrologistics" да фаолият юритувчи барча хизматлар мутахассислари эса шу ернинг ўзида меҳмонларни қизиктирган саволларга жавоб беришди.

Корхонанинг расмий очилиш маросими иштирокчилари "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси

доирасида мажмуа худудида боғ яратиш мақсадида қўчат экиш акциясида иштирок этдилар.

Мазкур замонавий мажмуанинг умумий лойиҳа қиймати 709,71 млрд. сўм бўлиб, комплекс қурилиши уч босқичли модуль қўринишида амалга оширилиши режалаштирилган. Шунингдек, бу ерда 10 минг тонна ситимга эга бўлган музлаткичли камералар ва омборлар мавжуд бўлиб, лойиҳа тўлиқ ишга туширилгач, 810 минг тонна кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш имконини беради. Комплексда қад кўтарган дастлабки модульда эса йилига 270 минг тоннагача маҳсулотларни қабул қилиш имкони яратилган.

Энг муҳими, ҳозирнинг ўзидаёқ 180 нафар доимий, 400 нафардан зиёд мавсумий иш ўринлари яратилмоқда. Мажмуа тўлиқ қувватда ишга туширилгач, 1410 нафар маҳаллий аҳоли доимий иш ўрнига эга бўлади.

Ўтган давр мобайнида лойиҳа доирасида 484,62 млрд. сўм миқдорда инвестициялар ўзлаштирилиши ҳисобига агрологистика комплексининг тўлақонли фаолият юритиши учун зарур инфрақурилиш яратилди. Хусусан, Божхона қўмитаси, Ўсимликлар карантини ва химияси агентлиги ҳамда "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг худудий филиаллари, фитосанитар ва санитар-эпидемиологик сертификатлаштириш унун ПЗР тести ва лаборатория жиҳозлари ўрнатилди.

"BMB-NRC Agrologistics" қўшма корхонаси мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтириб, иқтисодий тараққиётни ривожига, х

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Аввали 1-саҳифада)

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларга тақдим этилган грант ва ижтимоий буюртма лойиҳалари ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан, голиб бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уларнинг буюртма доирасида бажарган ишлари юзасидан ҳисоб-блатлари ҳақидаги маълумотлар.

4. Агентлиkning қуйидаги жараёнларни интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

а) фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун илмий кенгаш томонидан ўтказиладиган диссертация ھимояси (ёпиқ илмий ишлар бундан мустасно);

б) ўрта-максус ва профессионал таълим муассасаларининг, (шу жумладан, "Темурбеклар мактаблари" ҳарбий-академик лицейларининг) тест синовлари ҳамда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларга кириш имтиҳонлари;

в) олий таълим муассасалари базасидаги ҳарбий таълим факультетлариға (ҳарбий кафедра) қабул қилишдаги саралаш тан-

ловларининг қуйидаги босқичлари:

умумжисмоний тайёргарликни баҳолаш; чақириққача бошланғич тайёргарлик дастури бўйича билим даражасини баҳолаш.

5. Агентликка давлат органлари ва ташкилотларининг қайта алоқа тизими самарадорлиги даражасини баҳолаш мақсадида **"Қайта алоқанинг сирли мижози"** тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш вазифаси юклатилсин.

6. Белгилансинки, "Қайта алоқанинг сирли мижози" тадбири:

давлат органлари ва ташкилотларидаги ишонч телефонларининг (Call-марказ) ҳамда уларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинган телефон рақамларининг доимий равишда ишчи ҳолатдалиги, маълумотлар алмашинуви самарадорлиги, қайта алоқанинг мавжудлиги, шу жумладан, тезкорлиги ва белгиланган муддатларда амалга оширилиши даражасини текшириш мақсадида ўтказилади;

Агентлиkning масъул ходимлари томонидан алоқа воситаларидан (телефон кўнгиروقлари, электрон почта ва бошқа алоқа каналлари) фойдаланган ҳолда масофавий тартибда ўтказилади;

натижалари бўйича давлат органлари ва

ташкилотлариға ўзининг очикликни таъминлашға оид феолиятини яхшилаш ҳамда такомиллаштириш учун кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимнома юборилади.

Бунда қуйидагилар тақиқланади:

"Қайта алоқанинг сирли мижози" тадбирини ўтказишда ҳуқуқбузарликлар содир этишға оғдириш ва ундаш, шу жумладан, низоли, баҳсли ҳолатларни ва камчиликларни сунъий равишда келтириб чиқариш;

"Қайта алоқанинг сирли мижози" тадбирини ўтказишда Агентлик масъул ходимларидан ташқари бошқа шахслардан фойдаланиш;

ўрганиш объектиға ташириф буюриш.

Тадбир натижалари бўйича аниқланган камчиликлар вазирлик ва идоралар ходимларини жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди, иш берувчи томонидан шахсий ташаббус кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

7. Агентлик (А.Бурханов) халқаро ташкилотлар ва хорижий экспертларни жалб этган ҳолда:

уч ой муддатда давлат органлари ва ташкилотларининг очикликни таъминлашға масъул ходимларини очиклик соҳасидаги миллий қонунчилик ва халқаро стандартлар

талаблари бўйича ўқитишға қаратилган онлайн малака ошириш тизимини электрон платформа асосида йўлга қўйсин;

электрон платформа орқали ўқитилиши лозим бўлган давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, уларнинг масъул ходимлари рўйхати ва аниқ муддатларини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасиға киритсин;

электрон платформа ўқув модулларини якуни бўйича ҳар бир тингловчи эғаллаган билим ва малакаси тест синовидан ўтказилиб, натижаларини тўпланган баллар рейтингини асосида очик эълон қилиб бориш тартибини жорий этсин;

электрон платформа модуллари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талаблар, хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибаси ва халқаро стандартлар талабларидан келиб чиқиб, мунтазам такомиллаштириб (тўлдириб) борсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентини

нинг 2021 йил 16 июндаги "Давлат органлари ва ташкилотларининг феолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалға оширишға доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6247-сон Фармониға 2-иловаға мувофиқ қўшимча киритилсин.

9. Агентлик уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатлариға ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгантириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасиға таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишға масъул ва шахсий жавобгар этиб Коррупцияға қарши курашиш агентлиги директори А.Э.Бурханов белгилансин.

11. Фармон ижроси учун масъул идоралар феолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасиға юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 27 ноябрь

**КОНСТИТУЦИЯ —
халқчил давлат, барқарор тараққиёт
ва фаровон ҳаёт асоси!**



ВИЛОЯТИМИЗДА КОНСТИТУЦИЯ ҲАФТАЛИГИ ЎТКАЗИЛАДИ

Жорий йил 16 ноябрда давлатимиз раҳбари "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрамиға тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги фармойишни имзолади. Ушбу ҳужжат Асосий қонунимиз қабул қилинган тарихий санани муносиб кутиб олиш ва юксак савияда нишонлашға қаратилган бўлиб, Конституцияда белгиланган демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғоялари атрофида фуқароларни жипслаштириш, "Конституция — халқчил давлат, барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаёт асоси!" деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий ҳамда маънавий-маърифий тадбирларни самарали ташкил этиш каби мақсадларни кўзлайди.

"2023 йил 30 апрель куни бўлиб ўтган умумхалқ референдумида халқимиз ўзининг юксак сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва дунёқарашини намоён этиб, янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилди", — дейилади фармойиш матнида. — "Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатчилик, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларини бундан кейин ҳам барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди".

Ҳужжатға асосан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қуниға бағишланган байрам тадбирлариға тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш дастури ҳамда тегишли ташкилий қўмитанинг таркиби тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 31 йиллигиға бағишлаб вилоятимизда 1-7 декабрь кунлари "Конституция — халқчил давлат, барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаёт асоси!" бош ғоясини ўзида мужассам этган ҳуқуқий тартиб-ғибот, маънавий-маърифий ва маданий ҳамда байрам тадбирларидан иборат "Конституция ҳафталиги" ўтказилади.

Ҳафталик доирасида "Обод хонадон — Обод кўча — Обод маҳалла" мезонлари жорий этилаётган маҳаллаларда янги маҳалла бинолари, ижтимоий соҳа объектлари ва бошқа корхоналарнинг тантанали очилиш маросимлари ўткази-

лади. Шунингдек, "Обод хонадон", "Обод кўча" қўриқ-танловлари, мушоиралар, китобхонлик акциялари ва турли спорт мусобақалари бўлиб ўтади. Мактабларда ва ўрта махсус ўқув юртларида, олий таълим даргоҳларида Конституция дарслари, маҳаллаларда, ўқув юртларида ва бошқа давлат ташкилотларида "Менинг Конституциям ва давлат тилим" мавзусида оммавий диктант ташкил этилади. Маҳалла ёшлари ва мактаблар ўқувчилари ўртасида "Халқ Конституцияси", "Конституция — бахтимиз қомуси", "Конституция — келажгимиз машъали" мавзуларида расмлар ва иншолар танлови ўтказилади.

Конституция ҳафталиги доирасида вилоятимиз марказида концерт тадбирлари ва оммавий Конституция сайиллари ўтказилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар иштирокидаги "Конституцияни ўрганамиз", "Конституция — адолат тантанаси" мавзуларида учрашувлар, очик мулоқотлар, ҳуқуқий-маърифий тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

Умумхалқ референдумида янги тахрирдаги Конституция қабул қилинганидан сўнг илк бор ўтказиладиган Конституция кунини юқори савияда нишонлашға ҳозирлик кўрилмоқда.

В.ҒАЙБУЛЛАЕВ.
(“Жиззах ҳақиқати”)

✓ **Сайёр қабул**

Вилоят биринчи сектори томонидан Ғаллаорол тумани аҳолиси билан оммавий сайёр қабул ташкил қилинди. "Тозаурғ" ҚФЙ ҳудудида бўлиб ўтган сайёр қабулни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жиззах вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири Байрамбек Узоқов кириш сўзи билан бошлаб бергач, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдували Мустанов сўзға чикди.



КЕЛАЖАККА ИШОНЧ УЙҒОНДИ

Туманда 2023 йилда



Мамлакатимиз раҳбари тadbиркорларга қўлланаётган жари-малар улар фаолиятининг тўхтаб қолишига сабаб бўлмаслиги зарур-лигини, шу нуқтаи назардан, уч ойда барча молиявий санкциялар қайта кўриб чиқилиб, адолатли меъёрлар белгиланиши каби бир қатор так-лифлари билдирди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган таклифлар ҳақида бирма-бир тўхталиб ўтадиган бўлсак, солиқ органлари томонидан амалга ошири-ладиган камерал назорат "солиқчи-нинг қуроли" эмас, балки тadbиркор хатосини кўрсатиб, уни тўғрилашга ёрдам берадиган жараён бўлиши кераклиги белгиланди. Дарҳақиқат, маъмурий судларга тadbиркорлик субъектлари томонидан киритила-ётган аксарият аризалар айнан солиқ текширувлари юзасидан бўлмоқда. Бундан буён солиқ органлари каме-рал назоратни ўтказиш жараёнида тadbиркорлар томонидан йўл қўйил-ган камчиликларни тўғрилаш юзаси-дан амалий ёрдам бериладиган бўл-са, албатта, тadbиркорлар ва солиқ органлари ўртасида низолар кескин камайишига сабаб бўлади. Қолавер-са, камерал назоратда тadbиркордан ҳужжат талаб қилиш ёки уни идорага

чақириш қатъиян тақиқланиши ортқ-ча югур-югурлардан фориғ қилади ва унинг фаолияти узлуксиз бўлишига замин яратди.

Солиқ низоларини судда кўриш амалиётига эътибор қаратадиган бўлсак, тadbиркорнинг солиқ идора-лари билан бўладиган низоларининг айримлари иқтисодий судлар, ай-римлари эса маъмурий судлар суд-ловига тегишли ҳисобланади. Энди тadbиркорлар ўзларининг бузилган ҳуқуқлари юзасидан фақат битта — маъмурий судга мурожаат қиладиган бўлса, судловга тегишлилик маса-лаларига батамом чек қўйилади.

Шунингдек, Президентимиз та-шаббусига кўра тadbиркорларнинг тўғридан-тўғри судга шикоят қили-шидаги ҳар қандай чекловларни олиб ташлаш илгари сурилмоқда. Мисол учун айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ка-мерал назорат ва солиқ аудити нати-жалари юзасидан қабул қилинган солиқ органларининг қарорлари ус-тидан дастлаб юқори турувчи солиқ органига мурожаат қилиниши белги-

лаб қўйилган. Тўғри, юқори турувчи солиқ органи томонидан аризанинг муддатида кўриб чиқилмаганлиги кейинчалик судга шикоят қилишга тўсқинлик қилмаса ҳам, тadbиркор-нинг ортқча оворагарчилигига са-баб бўлишига ҳамда қимматли вақти кетишига сабаб бўлаётган эди. Ушбу таклиф албатта солиқ органлари ва тadbиркорлар ўртасидаги низоларни ечишда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз ташаббусида со-лиқ бўйича тadbиркорларга нисбатан даъво киритиш муддати ҳозирги 5 йл-дан 3 йилга туширилиши айтилди. Тadbиркорларимиз йўл қўйилган эски хатолари ёки контрагентларнинг 5 йил олдин йўл қўйган камчиликлари учун жавоб бериши ўз навбатида жиддий эътирозларга сабаб бўлмоқ-да эди. Даъво муддатининг қискар-тирилиши ҳар жиҳатдан солиқ орган-ларига ҳам, тadbиркорларга ҳам, судларга ҳам қулайлик яратди. Ахир, узок вақт олдин йўл қўйилган камчи-ликини аниқлаш, уни исботлаш ёки уни тўғрилаш жуда мушкул ҳолат ҳисобланади.

Сир эмас, солиқ ёки кредит қар-зини ундириш бўйича суд қарори чиқарилганидан сўнг амалда ҳал этиб бўлинган низоларнинг оқибатида, яъни суд қарорига асосан ундирил-ган қарзларга нисбатан пеня ёки фоиз-ларни қўшимча ҳисоблаб ундирили-ши амалиёти мавжуд. Яъни, пеня ва жарималар амалда қарздорлик тўлиқ тўлаб берилгунга қадар ҳисоблана-ди. Президентимиз томонидан бил-дирилган солиқ ёки кредит қарзини ундириш бўйича суд қарори чиқарил-ганида, пеня ва фоизлар ҳисоблаш тўхтатилиши ҳақидаги таклиф фуқа-ролар ҳамда тadbиркорлар томони-дан жуда катта хурсандчилик билан қарши олинди. Ушбу таклиф ўз фао-лиятини амалга оширишда солиқлар ва кредитларни тўлашда қийинчилик-ларга учраётган тadbиркорларга тир-гак бўлиб, уларнинг молиявий жиҳат-дан тикланишига шароит яратиши табиий.

Сарварбек РАХМОНОВ,
вилоят маъмурий
судининг раиси.

✓ Маъмурий ислохотлар



Тadbиркорлар учун янги имкониятлар

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 18 август куни тadbиркорлар билан очик мулоқотда нутқ сўзлаб, ўтган бир йилда нималар ўзгарганлиги, имтиёзлар қандай самара бериб, муаммолар қандай ҳал этилганлиги ёки топшириқлар қоғозда қолиб кетганлиги, тadbиркор ўсиши учун бугун яна қандай тўсиқлар борлиги ҳамда янги режалар муҳокамаси ҳақида батафсил тўхталиб ўтган эди.

✓ Конституция куни олдида



Хотин-қизлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 12 апрелдаги "Хотин-қиз-лар ва болалар ҳуқуқлари, эркин-ликлари ҳамда қонуний манфаат-ларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муно-сабати билан Ўзбекистон Рес-публикасининг айрим қонун ҳуж-жатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-829-сонли Қонуни билан жамиятда тез-тез кузатилиб турган бир қанча ижтимоий муаммоларга, жумладан, хотин-қизлар билан боғлиқ зўра-вонликларга нисбатан жавобгарлик тизими кучайтирилди.

Жавобгарлик чораларининг яна-да кучайтирилиши ҳамда соҳада амалга оширилаётган ислохотларга қарамадан, салбий ҳолатлар, яъни хотин-қизлар, вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик ва тазйиқлар, ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фой-даланишда тўсиқлар ҳали ҳам учра-моқда.

Мамлакатимизда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таз-йик ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ҳамда ҳуқуқий асосларини тубдан такомил-лаштиришга, болалар орасида назоратсизлик ва улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши-нинг олдини олишга, шунингдек, ногиронлиги бўлган болаларни ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламчи ишлар амалга оширил-моқда.

Қонун билан хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий соҳада ўз ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошири-шида қўллаб-қувватлаш масалала-рини тартибга солувчи қонунчиликни халқаро стандартлар асосида тако-миллаштиришни назарда тутувчи, шунингдек, болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкам-лаб қўвчи ўзгартиришлар кири-тилди.

Ўзгартиришларга кўра, биргина Ўзбекистон Республикаси Жиноят

кодексининг 126¹-моддасида "хоти-нига ёки собиқ хотинига, эрига ёки собиқ эрига бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таъ-лим олиш, соғлиқни сақлаш ва меҳ-натга оид ҳуқуқни амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, уларни таҳқирлаш, кадр-қимматини ерга уриш, уларни қўр-қитиш, қякин қариндошларидан ажра-тиб қўйиш каби ҳаракатлари учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, шунинг-дек, башарти бошқа жиноят аломат-лари бўлмаса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 30 бараваригача миқдорда жарима ёки 160 соатдан 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари жазоси" белги-ланди.

Бу ўзгартишдан кўзланган мақсад оилавий зўравонликнинг олдини олишдир. Яъни оилавий зўравонлик учун жавобгарлик белгиланганлиги, бунга қарши давлат томонидан кура-шиш йўлга қўйилганлигини тушун-тириш, оилавий муаммоларни муло-қот орқали ечишни тарғиб қилиш на-зарда тутилган.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасида "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофаза-сидадир", деб ёзиб қўйилган.

Юқоридаги қонун хотин-қизлар ва болаларга нисбатан шилқимлик ҳамда зўравонликнинг олдини олиш, оилалардаги маънавий-ахлоқий му-хитни яхшилашга қаратилган ҳара-катдир. Барча хотин-қизлар давлат ҳимоясида. Хеч ким уларни таҳқир-лашга, зўравонлик қилишга, ҳуқуқла-рини поймол этишга ва эркинлигини келашга ҳақли эмас! Буни барча фу-қаролар англаб етишлари зарур.

Бекзод КАХАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси
бўлим прокурори.

Кўприклар фойдаланишга топширилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан, Гарашасойнинг Кўрғон қишлоғи қисмида кўприк қурила бошланган эди. Бунинг учун республика бюджетидан 5 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

"Элитстрой" масъулияти чекланган жамияти тadbиркорлари томонидан бунёд этилган кўп-рикнинг фойдаланишга топширишга бағишланган



✓ Элга мададкорлар



тadbирда маҳалла аҳолиси, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Унда маҳалладошлар номидан сўз олган Илҳом Шамсиев аҳолига яратилган қулайлик учун муҳ-тарам Президентимизга, вилоят ва туман ҳоким-ларига миннатдорчилик изхор этди.

"Гараша" МФЙ ҳудудидаги Хамдамбулоқ қишлоғида яшовчи Пўлат Эшқобилов оилавий тadbиркорлик билан шуғулланиб, қишлоқдошлари-нинг фаровонлигини таъминлаб к



Besh tashabbus — Bosh tashabbus



Jaholatga qarshi ma'rifat

TARG'IBOT TADBIRLARI DAVOM ETMOQDA

Zomin tumanidagi “Qayirma” mahalla fuqarolar yig'inida joylashgan “Yoshlar markazi”da ijtimoiy-ma'naviy muhitni sog'lomlashtirish, diniy bag'rikenglik hamda millatlararo totuvlikni mustahkamlash bo'yicha “Jaholatga qarshi ma'rifat” mavzusida tadbir o'tkazildi.

Unda tumandagi davlat va jamoat tashkilotlari rahbarlari, nuroniylar va yoshlar ishtirok etishdi.

Tadbirda so'zga chiqqan Jizzax viloyati hokimining o'rinbosari L.Axmadjonov, viloyat IIB TEQKB bo'lim boshlig'i J.Qo'shboqov, Din ishlari bo'yicha qo'mitaning Zomin tumani bosh mutaxassisi A.Abilovlar tomonidan yig'ilish ishtirokchilariga diniy ekstremizm, terrorizm va missionerlikning salbiy oqibatlari va bu illatlarning insoniyat hayotiga tahdidi to'g'risida tushunchalar berildi.

Tadbir davomida “Tinchlik qadri” nomli videorolik namoyish etildi.

(O'z muxbirimizdan).



— Vatanimiz ravnaqi yo'lida o'zining izlanuvchanligi, tashabbuskorligi, ibratli amaliy ishlari, zamonaviy bilim va malakasi, ma'naviy-intellektual salohiyati bilan faollik ko'rsatayotgan xotin-qizlarning safi kun sayin ortib bor-

Zamonamizning zukko qizlari

Zulfiya nomidagi davlat mukofotiga tanlovning viloyat bosqichida ishtirok etishdi

Jizzax shahridagi Mahkam Olimjon va Zulfiya ijod maktabida Zulfiya nomidagi davlat mukofotiga nomzodlar uchun tanlovning viloyat bosqichi o'tkazildi. Unda tuman bosqichida g'olib bo'lgan zukko, iste'dodli 95 nafar qizlar o'zlarining o'qishdagi muvaffaqiyatlari, ta'lim, fan, adabiyot, san'at, madaniyot, sport, jamoatchilik yo'nalishida erishgan yutuqlarini namoyon etishdi.

moqda, — dedi O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi viloyat bo'limi rahbari, adabiyot yo'nalishida hakam Mehribon Abdurahmonova. — Ayniqsa, yoshlar adabiyot, sport, madaniyat sohalarida yangicha g'oyalari, xalqaro yutuqlari bilan bizni quvontirishmoqda. Davlatimiz rahbarining tashabbusi bilan shunday kelajagi porloq qizlar har tomonlama qo'llab-quvvatlanmoqda, rag'batlantirilmoqda. Umid qilamizki, viloyat bosqichida g'oliblikka munosib ko'rilgan nomzodlar, respublika bosqichida ham e'tirof etiladi.

— Tanlovning viloyat bosqichida ishtirok etayotib, hakamlar hay'ati sifatida biz bilan suhbatlashgan, savol-javoblar o'tkazgan ustoz ijodkorlarning jo'yali maslahatlaridan bahramand bo'ldik, — dedi tanlov ishtirokchisi Xumora Xayitboyeva. — Bu kabi ijodiy davralar o'zimizning ba'zi kamchilik va yutuqlarimiz haqida tegishli xulosalar chiqarishimizga katta imkoniyat bo'ladi, albatta.

Gulchehra XIDIROVA.
("Jizzax haqiqati")



Turizm oyligi kundaligi

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 26-aprelda “Respublikaning turizm salohiyatini jadal rivojlantirish hamda mahalliy va xorijiy turistlar sonini yanada oshirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi Qaroriga muvofiq barcha umumiy o'rta ta'lim maktablari o'quvchilarining darslarini madaniy meros obyektlarida o'tkazish vazifasi belgilangan edi.

Moziyga sayohat saboqlari

Joriy yilning oktabr oyidan boshlab vohamizdagi o'rta umumta'lim maskanlari o'quvchilari ishtirokida qator o'quv darslari tashkil etilmoqda. Yaqinda viloyat tarixi va madaniyati davlat muzeyi xodimlari hamda Jizzax shahar xalq ta'limi bo'limiga qarashli 26-son umumta'lim maktabi va viloyat 2-son musiqa va san'at maktabi o'quvchilarining ijtimoiy soha fanlari o'quv darslari o'tkazilib, darsdan so'ng muzeyga sayohat uyushtirildi.

— Viloyatimizdagi barcha umumiy o'rta ta'lim maktabi o'quvchilarining darslarini madaniy meros obyektlarida tashkil etish va o'tkazish bo'yicha reja ishlab

chiqilgan, — deydi viloyat Madaniy meros boshqarmasi boshlig'i Sindor Qoraboyev. — Rejaga asosan, viloyat tarixi va madaniyati davlat muzeyi va uning filiallari hamda qator madaniy meros obyektlarida yoshlar uchun darslar tashkil etildi. Jumladan, viloyat tarixi va madaniyati davlat muzeyi hamda Zomin tarix muzeyi filiallarida, Jizzax shahridagi Xo'ja Nuriddin madrasasi binosida shunday darslar o'tkazildi. Viloyat tarixi va madaniyati davlat muzeyi Mirzacho'l tumani filialida tashkil etilgan tuman maktablari o'quvchilarining “O'lkashunoslik” va “Koinot” muzeyidagi



sayri va saboqlari ham yoshlarda katta taassurot uyg'otdi. Forish tumanidagi “Xo'jabog'bon ota” ziyoratgohi va “O'lkashunoslik muzeyi” filialida o'tgan darslar o'quvchilarga ijobiy ta'sir ko'rsatishiga ishonamiz.

Xolnisa RAHMONQULOVA.
("Jizzax haqiqati")

E'tirof

Indoneziyada futbol bo'yicha U-17 terma jamoalari o'rtasida davom etayotgan jahon chempionatini vakillarimiz garchi 1/4 final bosqichida yakunlagan bo'lsada, O'zbekiston yuksak iqtidorlar mam-lakati ekanligini yana bir karra namoyish etdi.

O'zbekiston — yuksak iqtidor sohibi bo'lgan yosh futbolchilar yurti

O'smirlarimiz jahon chempionatining “V” guruhida Ispaniya, Mali va Kanada terma jamoalari bilan bahs olib borib, keyingi bosqichga chiqish huquqiga ega bo'ldi.

Guruh bosqichining 1-turida Mali jamoasi 3:0 hisobida imkoniyatni boy bergan O'zbekiston o'smirlar terma jamoasi 2-turda Kanada termasini 3:0 ko'rinishida dog'da qoldirdi. 3-turda esa Ispaniya bilan 2:2 holatida murosra yo'lini tanlashdi.

Chempionatning 1/8 final bosqichida Angliya terma jamoasini 2:1 hisobida mag'lub etishi ortidan o'ziga xos shov-shuv yasan-gan o'smir futbolchilarimiz 1/4 finalda musobaqaning eng kuchli terma jamoalaridan biri hisoblangan Fransiya terma jamoasi bilan to'qnash keldi.

Afrika kengliklarining tafti bilan kamolga yetib, Yevropa yashil maydonlarida toblangan Fransiya terma jamoasi a'zolarini yosh va umidli futbolchilarimiz ko'p hollarda izsha qilishga erisha oldi. O'yin 1:0 hisobida “yevropaliklar” foydasiga hal bo'lgan bo'lsa-da, U-17 terma jamoamiz dunyoning eng kuchli sakkizta jamoasidan biri sifatidagi e'tirofni sa-zovorligi tarixiy natijadir.

U-17 jahon chempionatining 1/2 final o'yinlari kecha bo'lib o'tdi. Unda Argentina-Germaniya, Fransiya-Mali jamoalari ro'baro' keldi. Chempionatning 3-o'rin uchun o'yini 1-dekabr kuni tashkil etilsa, final uch-rashuvi 2-dekabrda o'tkaziladi.

(Internet manbalari asosida tayyorlandi)

Ko'ngildagi orzular

— Xo'p, yozsang yozaqol hayotim haqida. Ammo ja-a osmonga olib chiqarib qo'ymagin-da, ma'qulmi! Keyin faqat falon yilda tug'ilgan, o'qigan, ishlagan degan gap-lardan ko'ra, maqolangda o'z tilimdan aytgan fikrlarim, so'zlarim o'rin olsin-a.

...Binobarin, quyida o'zini ko'pincha o'ta dilkash, keragida jiddiy vazmin tu-tadigan qahramonimiz Eshbek otanig davralarda qulog'imizga chalinadigan gaplaridan bir shingilini aytib o'tsak...

— Har bir soat, daqiqa ham juda qadrlidir. Kinolar ko'rib kunni sarg'aytirish, internet titkilash, kunduzgi mizg'ib olishlar men uchunmas. Jamoat ishlarim, vazifalarimdan qo'lim bo'shadi degun-cha kitob, “Nuroniylar”, “Islom nuri”, “Hi-doyat sari” nashrlarining yangi sonini qo'lga olaman. Navoiy, Qodiriy, Lev Tolstoy, Pushkin va Shukshin sevimli adiblarim, umuman olganda, dunyo mumtoz adabiyoti jonu dilimdir, — deydi otaxon. — Ko'pchilik yoshlar aynan mutolaadan ancha uzoqlashib qolish-ganday tuyiladi menga. Ularga Dosto-yevskiyning so'zlari bilan “O'qing, jiddiy kitoblarni o'qing, qolganini hayotning o'zi beradi”, degim keladi.

Ota-bobolari ko'hna Zominning Tig'iriy qishlog'idan bo'lgan Eshbek Nazarov 1951-yil Zarbdor tumanida tu-g'ilgan. Samarqand Davlat pedagogika institutining ona tili va adabiyot, tarix fakultetida tahsil olgach, dastlab o'zi ta'lim olgan 2-maktabda o'qituvchi bo'lib ishladi, tajribasi osha bordi. 32 yil mobaynida 3-maktabda ilmiy bo'lim mudiri, O'zbekiston Xalq demokratik partiyasining tuman bo'limi mutaxassisi, 8-maktab direktori vazifalarida ishladi.

Eshbek ota umr yo'ldoshi Gulsara aya bilan yarim asr mobaynida to'rt farzandni voyaga yetkazishdi, har birini uy-joyli qilishdi, nevara-chevaralari orzu-hava-sini ko'rib yashashyapti. U pensiyaga chiqqandan keyin ham uyda keksalik ro-hat-farog'ati bilan ovunib qolmadi, Oy-bek mahalla fuqarolar yig'ini keksalar maslahat guruhi a'zoliqi vazifasini o'tay boshladi, mahalla va tumandagi jamoat ishlariga sho'ng'ib ketdi.

— Eshbek Nazarov kabi tumanimiz-nig faol nuroniylari uddalayotgan vazifalar qamrovi ancha keng, — deydi “Nuroniylar” jamg'armasi Zarbdor tumani bo'limi raisi A.Azimov. — Muhtaram Pre-zidentimiz Shavkat Mirziyoyev tashabbusi bilan boshlangan “Har bir nuroniy — o'n yoshga murabbiy” tamoyili asosidagi tadbirlar bu yil ham ko'lamli ravishda amalga oshirilmoqda. Tumanimizdagi tarbiyasi og'ir, ma'naviy ko'makka muh-toj yoshlar, ularning ota-onalari hamda yoshlarga birlashtirilgan nuroniylar ish-tirokida muntazam uchrashuvlar o'tka-zilib turish bilan bir qatorda ishsiz yosh-larni ish bilan ta'minlash ham e'tiborga molik vazifadir. Tumandagi xususiy kor-xonalarda duradgorlik, fermer xo'jalikla-rida ishchilik, umumiy ovqatlanish sohasida boshqaruvchilik, oshpazlik kabi ish o'rinalari bilan ta'minlangan 70 dan oshiq yoshlardan E.Nazarovga birlashtiril-gan 10 nafar yosh bug